


ISLAMONLINE.UZ
TAVORIX

Тарих





Дашти Қипчоқ











Мовароуннахрнинг шимолида жойлашган Дашти Кипчок худудининг географик чегаралари тўғрисида олимлар турлича фикр билдирадilar. Масалан, кадемик Б.Ахмедов Дашти Кипчок худуди деб, асосан, Сирдарёнинг куйи оками ва Балхаш кўлидан то Днепр дарёсининг куйи окимларигача бўлган жойларни ўрсатади. Бошқа олимлар, жумладан, Х.Бекмухаммедов, М.Исхоков, Л.Гумилевлар Дашти Кипчок чегаралари Сирдарёнинг куйи оками ва Балхаш кўлидан ортиб то Дунай дарёсининг куйи окимигача бўлган удудлар билан чегараланганини таъкидлашади. Дашти Кипчок айрим илмий адабиётларда икки сисмга ажратилган холда белгиланган.

Унга кўра, Дашти Кипчок шаркий ва гарбий қисмга ажратилган. Урал ва Ейик дарёси эса табиий чегара вазифасини ўтаган. Кейинрок, шаркий Дашти Кипчок Олтин Ўрда таркибига кирган. Гарбий Дашти Кипчок эса, рус ва паркий Европа манбаларида «Половецлар дашти» ёки «Куманлар ери» деб аталган.

Олима Р.Г.Мукимованинг фикрича, турли даврларда дашти Кипчок чегаралари ўзгариб турган. Улар катъий челгиланмаган ва доимий бўлмаган. Гарбда ва жанубда бу чегаралар Кавказ тоғлари, Кора денгиз ҳамда Каспий денгизи, Русия ва Волга булгорлари ерларигача етиб эрган. XII-XIII асрларга оид харитада Дашти Кипчок қабилалари гарбда то Дунай дарёсигача етиб борганлиги қайд этилган. XII аср бошларида Дашти Кипчокдаги печенег қабиласи Болкон ярим оролига кириб борган. Демак, Дашти Кипчокнинг гарбий чегаралари XII-XIII асрларга келиб Дунай дарёсининг қуйи оқимлари ва Кора денгиз бўйларига етиб борган. Шарқда эса Сибирь (Иртиш дарёси ва Балхаш кўли) билан туташган. Хоразмшоҳлар, Амир Темур ва Темурийлар даврида Мовароуннахр чегаралари асосан, Туркистон, Саврон, Сигнок, Ўтрор, Тошкент ва Тароз шаҳарлари билан белгиланган. Тарихчи Абдураззок Самаркандийнинг «Матлаъи саъдайн ва мажмаи баҳрайн» асарида шундай маълумотлар учрайди: «828 йили (1424-1425) Буруқўғлон Ўзбек подшоҳи Муҳаммадхон ўрдуси устидан галаба қозониб, 829 (1425-1426) йили Сигнок вилоятига ва Улугбек мамлакати чегараларига етиб келди».

Самаркандий ўз асарида 1405-1427 йиллардаги воқеалар Хофиз Абрунинг «Зубдат ут-таворих Бойсунқурий» асарида олинганлигини айтиб ўтади. Шу боис, «Зубдат ут-таворих»да Улугбекнинг мамлакати чегаралари айнан Сигнок вилояти эканлиги кўрсатиб ўтилган.

Шарафиддин Али Яздийнинг маълумотича, Тўхтамишхон Ўрусхон тазйикидан Темур даргоҳига қочиб келган вақтда, Темур унга Сигнок ва Саврон вилоятларини беради. Яна бир қизиқарли маълумот Хофиз Таниш Бухорийнинг «Абдуллонома» асарида учрайди. Унда шундай дейилади: «... оқибатда қозокларни истило қилиш мақсадида Буруч Ўғлон Дашти Кипчокдан Туркистон ва Сигнок чегарасига келди...»

Маълумотнинг аҳамиятли томони шундаки, бу ерда Туркистон ва Сигнок вилоятлари Дашти Кипчокдан алоҳида ҳудуд сифатида ажратиб кўрсатилмоқда. Демак, бу даврга келиб (XVI аср) Дашти Кипчок чегаралари ўзгарганлиги маълум бўлади. Афтидан, қозок хонлиқларининг ташкил топиши бу жараёнга таъсир кўрсатган бўлиши керак. Чунки, асарда таъкидланганидек, Буруч Ўғлон қозокларни истило қилиш мақсадида Дашти Кипчокдан Туркистон ва Сигнок вилоятларига келади.

Юқорида келтирилган манбалардаги воқеалар асосан XV-XVI асрларга тегишли бўлиб, бу даврда Тошкент, Туркистон ва Сигнок шаҳарлари Дашти Кипчок ҳудудига қирмаган. Дашти Кипчок шимолий чегараларини, асосан, рус солномалари ва мўғуллар даври манбаларида келтирилган маълумотлар асосида аниқлаш мумкин. Умуман олганда, Дашти Кипчокнинг шимолий чегараларини туркий қабилаларнинг Гарбий Сибирдаги бошқа туркий қабилалар ҳамда Русь князликлари билан бўлган сиёсий муносабатларидан билиб олиш мумкин.

IX-XII асрлар Тошкент, Тароз ва Ўтрор шаҳри қулочилигига назар ташласак, бу давр қулочилигида қуйидаги унсурлар: манзара, хайвон (от, қаптар, эчки, архар, шер, йўлбарс, тулки, турли хилдаги балиқлар) ва хандасавий шаклларнинг ифодаланиши кўзга ташланади. Маълумки, VIII-IX асрлар Самарканд қулочилигида хайвон суратларини солиш кенг суръатда расм бўлган. Бу ўхшашликлар юқорида номи зикр

этилган шаҳарлар ҳамда Самарканд кулолчилигидаги уйғунликни келтириб чиқаради. Шу билан бирга, юкорида зикр этилган шаҳарлар ва Самарканд кулолчилигида ва, умуман, Мовароуннахр кулолчилигида кўпинча мовий, яшил ранг ҳамда кўргошин-калай копламасидан кенг фойдаланилган. Бундан ташқари, Сарвон, Сигнок ва, умуман, Сирдарё бўйида жойлашган шаҳарлардан топилган археологик ёдгорликлардан маълум бўладики, кўчманчи маданиятга нисбатан ўтрок маданиятнинг таъсири катта бўлган. Ўз вақтида археолог К. Байпаков Дашти Кипчокнинг Сирдарё бўйларидаги ҳудудлари ҳақида фикр юритар экан, бу ҳудудлардаги моддий маданиятни «Шимолий Тошкент маданияти» деб аташни таклиф этган эди. Чунки, ўтрок Тошкент маданиятининг таъсири шимолий ҳудудларга, хусусан, Туркистон, Сигнок, Ўтроқ каби йирик маданий ҳудудларнинг шаклланишига катта таъсир кўрсатган. Хулоса қилиб айтганда, Дашти Кипчок чегаралари, асосан, Мовароуннахрнинг шимоли ҳамда Балхаш кўлидан тортиб то Дунай дарёсининг қуйи оқимлари ва Қрра денгиз соҳиллари билан белгиланган.

Дониёр БОЛТАБОЕВ, Фаррух БОЛТАБОЕВ

Мозийдан садо